

---

## Ички кўчаларни шағаллаштириш ишлари давом этмоқда

Обод юртга тўйлар, тантаналар ярашади. Юрт обод бўлса, хонадон тинч, равнақ ва тараққиёт давлатнинг мезони бўлиши табиий ҳол. Айтиш лозим, ўтаётган йилнинг шу муддати давомида Риштон туманида ободончилик йўлида кўп ишлар, хайрли амаллар бажарилди. Бугунги кунда тумандаги кўплаб маҳалла фуқаролари йиғинлардаги таъмирга муҳтож бўлган кўчаларда шағаллаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳамма хурсанд: чунки бизга шағал бепул етказиб берилаяпти. Бу эътибордан фақат ва фақат мамнун бўлиб, маҳалла аҳли ўз миннатдорчилик сўзларини ташаббускорларга илиқ ўзгача меҳр ила баён этишмоқда.

2021-07-17 14:33:57